



# ЖАМИЯТ

№ 40 (675)  
2019 йил  
18 октябрь,  
Жума

Ижтимоий-с

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong

Ётоқхона  
муаммоси


jamiyatgzt@mail.ru




## Суғурта бадданинг камайтирилиши



## Маюфнинг иншоси




## 56 мингга яқин талаба ётоқхонага муҳтож



## Бу кетишда ростакамига шохлашмаймиз- ми?

## «Тушовланган» тиббиёт



## Сизга ўхшашни хоҳлайман, дадажон!

**ҚИСҚА  
САТРАЛДАРДА  
ЎҚИҢГ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев Денов туманидаги Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмда бўлди.

# Суғурта бадалининг камайтирилиши

уларга қўшимча маблағ тушишини таъминлайди

**Б**угун мамлакатимизда қайсики соҳада ислохот олиб борилаётган бўлса, барчасида халқимизга энгиллик ва қулайлик яратиш мақсади кўзланяпти. Аммо...

Яхши биласиз, автотранспорт воситасини бошқариш учун камида учта асосий ҳужжат — автотранспорт воситасининг техник паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва суғурта полиси талаб этилади. Маълумки, мамлакатимизда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш икки шаклда — чекланган ва чекланмаган суғурта полиси тарзида амалга оширилади.

Чекланган тарзда фойдаланиш суғурта полиси фақат унда аниқ кўрсатиб ўтилган шахсларга ишончнома орқали ёки автотранспорт эгасининг иштирокида автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини беради. Чекланмаган тарзда фойдаланиш суғурта полиси эса ишончномага эга ёки автотранспорт эгасининг иштирокида исталган шахсга бошқариш ҳуқуқини беради.

Ўтказилган таҳлиллар ва аҳоли билан бўлган суҳбатлар мазкур амалиёт моҳиятан нотўғри йўлга қўйилганини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, автотранспорт воситаларининг ҳайдовчиларига нисбатан бир қалар шафқатсиз ва адолатсиз амалиёт деса, тўғри бўлади.

Дейлик, автотранспорт воситасини чеккароқ ҳудудда бошқариш пайтида ҳайдовчининг соғлиғи ёмонлашиб қолди ва уни зудлик билан яқин орадаги тиббиёт муассасасига олиб бориш зарурати туғилди. Амалдаги тартиб бўйича ҳайдовчининг ёнида ўтирган фуқаронинг ўзи билан ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлса ҳам ушбу автотранспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи йўқ ҳисобланади. Ваҳоланки, бу ҳолатда мулк эгаси розилик бериб турибди, унинг

профессионал қобилиятга эга эканини тасдиқловчи ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам бор, бунинг устига кечиктириб бўлмас ҳолат.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда бугунги кунда суғурта полисларининг аксарият қисми, деярли 90 фоизи жисмоний шахсларга тўғри келади.

Чекланган ва чекланмаган тарзда фойдаланиш бўйича суғурта товонлари (тўловлари) миқдори ўртасида кескин фарқ мавжуд. Хусусан, транспорт воситасидан чекланмаган тарзда фойдаланиш бўйича суғурта товонининг миқдори биринчисидан беш баравар ортиқдир.

Суғурта товони миқдоридида бундай кескин тафовут, ўз навбатида, фуқаролар томонидан нархи пастроқ, аммо чекланган тарзда фойдаланиш бўйи-



Бундан ташқари, бугунги кунда суғурта компаниялари томонидан мижозларга суғурта полислари бўйича тўловларни амалга ошириб бериш фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Жумладан, йўл транспорт ҳодисаси бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб берилмаслиги боис, фуқароларни ортиқча сансалорликка дучор қилиш натижасида аҳоли томонидан суғурта компанияларига бўлган ишонч йўқотилган.

ча суғурта полисларини олишга мажбур қилмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар томонидан 98,3 фоиз, юридик шахслар томонидан эса 72,8 фоиз ҳолатда чекланган тарздаги суғурта шартномалари тузилгани буни яққол кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, бугунги кунда суғурта компаниялари томонидан мижозларга суғурта полислари бўйича тўловларни амалга ошириб бериш фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Жумладан, йўл транспорт ҳодисаси бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб берилмаслиги боис, фуқароларни ортиқча сансалорликка дучор қилиш натижасида аҳоли томонидан суғурта компанияларига бўлган ишонч йўқотилган.

Фуқаролар билан ўтказилган суҳбатлар жараёнида мулоқотта киришган аксарият ҳайдовчилар то-

монидан суғурта компанияларига ишонсизлик, суғурта полисларини йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторларига (ДАН ходимлари) ҳужжатни тақдим этиш учунгина мажбурий олаётгани таъкидлаб ўтилди.

Бинобарин, мазкур муаммоларнинг ечими ягона бўлиб, суғурта полисларини фақат бир турда, яъни фақат чекланмаган тарзда фойдаланиш

ҳуқуқини берувчи суғурта полисларини жорий қилиш ва суғурта товони миқдорини мўътадиллаштиришни талаб этади.

Юқоридаги статистик маълумотга таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, суғурта бадалининг қулай миқдорга пасайтирилиши суғурта компанияларига асло зиён етказмайди. Айни пайтда уларга қўшимча маблағлар келиб тушишини таъминлаш баробарида, фуқаролар ҳуқуқини кенгайтиради. Энг асосийси, мамлакатимизда бир турдаги чекланмаган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини берувчи суғурта полисларига эга ҳайдовчилар сони ошиб, уларга адолатли ва қафолатланган суғурта тизимининг жорий этилишига имкон яратади.

Соҳадаги мутасаддилар такомил излаб, ўзаро манфаатли тизим яратиб, аҳолига қулай механизмларни киритиш талоригини кўриши мақсадга мувофиқдир.

Умиджон СУЛАЙМОНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



**С**ўнги уч йилда қабул квоталарининг оширилгани натижасида олий таълим муассасаларидаги талабалар сони деярли икки баробарга кўпайди. Бироқ талабалар контингентининг ортиши билан пайдо бўладиган янги вазифалар, жумладан, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, кенгайтириш, уларнинг қувватини ошириш, юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш каби муҳим вазифалар борасида ҳам олиб борилаётган ишларни қоникарли деб бўлмайди.

## 56 мингга яқин талаба ётоқхонага муҳтож

Айниқса, талабалар тураржойлари сонини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар замон талабларига жавоб берайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 93 та маҳаллий ва 20 та хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларининг 81 тасида жами 49 188 ўринли 189 та талабалар тураржойи мавжуд, холос. Уларда яратилган шарт-шароитларни ҳам қоникарли, деб бўлмайди. Уларнинг бир қанчаси капитал таъмирга муҳтож бўлса, яна

бир нечтасида турли хил тўғарақлар, кутубхона ва маънавият хоналарини ташкил этиш ишлари суст йўлга қўйилган.

Аммо талабаларга жавоб берайдиган, етарли шароит яратилмаган талабалар тураржойидан бошпана топган ёшлар ўзини омадли деб ҳисоблаши мумкин. Чунки ўрганишлар натижасига кўра, бугунги кунда 56 мингга яқин талабада талабалар тураржойига эҳтиёж мавжуд. Шунингдек, 85 мингга яқин талаба ижара хонадонларида

яшамоқда. Айниқса, Тошкент шаҳрида ижарада яшаётган талабалар ҳар ойда 150 мингдан 400 минг сўмгача ижара пули тўлаётгани, уларнинг аксарияти, оилалари учун оғир қийинчиликлар келтириб чиқармоқда.

Маълумотларга кўра, 2019-2020 йиллар манзилли рўйхатга киритилган қурилиш ишлари доирасида 2400 ўринли янги талабалар тураржойлари қурилиши режалаштирилган. Бироқ юқорида келтирилган талабалар тураржойларига бўлган эҳтиёж ҳақидаги маълумотларни ҳамда келгуси ўн йилда олий таълим муассасалари учун қабул квотасини мактаб битирувчилар сонига нисбатан 50 фоизгача ошириш вазифаси белгиланганини (у ҳолда жами талабалар сони ҳозиргидан 3-4 баробарга ортади) инобатга оладиган бўлсак, ишларнинг шу суръатда давом этишида талабалар тураржойига бўлган эҳтиёжни 50 йилда ҳам қоплаб бўлмайди.

Қабул квоталарининг оширилиши-



га мос равишда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, кенгайтириш, уларнинг қувватини ошириш, юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, илмий салоҳиятни юксалтириш каби мақсадлар учун етарли маблағ ажратилиши билан бирга, давлат хусусий шериклиги асосида талабалар тураржойларини қуришни йўлга қўйиш ва рағбатлантириш керак.

Абдурашид АБДУҚОДИРОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Меценатлик тўғрисида»ги Қонуни имзолади.

# «Ошиқ ота»нинг меҳнаткаш фермери

**Пастдарғомда катта ҳажмда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Улар орасида пахтачилик, галлачилик, пиллачилик алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик сингари муҳим жабҳалар ҳам жадал ривожланмоқда. Биз тумандаги «Пўлат ҳавзаси» кўп тармоқли фермер хўжалиги раиси Тўлқин Жўрамурадovнинг фаолияти билан қизиқдик:**

— Фаолиятимизни дастлаб хусусий корхона шаклида ташкил этдик, — дейди у. — Лекин бажарадиган ишларимиз асосан қишлоқ хўжалигига тегишли эди. Шу боис фермерларга қўйилаётган талаблар асосида меҳнат қилдик. Эътибор қилсам, туманимиздаги айрим фермерлар бир неча тармоқларни

ўзлаштириб, танланган ҳар бир соҳадан фойда олишнинг улдасидан чиқяпти. Баъзилари эса туяқуш, каклик, қуён каби бир неча турдаги ноёб ҳайвонот оламига ҳам йўл топшибди.

Улар сафида бўлишни астойдил мақсад қилдик. Ҳозиргача бажарилган ишлар ҳақида ўйладим. Мавжуд 36 гектар майдондаги деҳқончиликни қайта-қайта таҳлил қилдик. Ўйлаб кўрсак, пахтачилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, ҳар икки соҳада салмоқли натижаларга эришибмиз. Масалан, пахтачиликда ҳосилдорлик 50 центнердан кам эмас. Пахтанинг сифати ҳам талаб даражасида. Деярли ҳар йили биринчи, кечи билан иккинчи теримда белгиланган давлат режасини бажарамиз. Ҳосилни йиғиштириб олиш ёгин-сочинди кунларга қолмайди Шу сабабдан ҳам пахтамиз биринчи, иккинчи навларга қабул қилинади.

Маҳаллий шароит ва имкониятларимизни ҳисобга

олган ҳолда қорамолчилик бригадаси ҳам ташкил этган эдик. Ҳозир уларнинг сони 72 бош. Яйлов, озуқа экинлари экишга ажратилган майдон-



лар етарли. Сут-қатиқ мўл. Зотдор моллар маҳсулдорлиги йил сайин ошиб борапти.

2012 йилда мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш борасида муҳим қарор қабул қилинди. Корхонамиз аъзолари билан гапни бир жойга қўйиб, шу йилдан ба-

лиқчилик ташкил этишга киришдик. Бу ташаббус туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

Балиқчилик учун 16, лаборатория учун қўшимча 1 гектардан ортиқ ер ажратиб берилди. Бу биз учун катта гамхўрлик. Чунки фермер учун биринчи галда ер муҳим. Балиқни ўзимизда урчиштиришни йўлга қўйдик. Бугун бу соҳада

ўзимизга жорий этишга ҳаракат қилдик.

Узоққа бормасдан, балиқчилик соҳасида ўтган йилда эришилган натижаларга эътибор қаратайлик: балиқчавоқлари тайёрлаш тўлиқ ўзимизнинг лабораторияда амалга оширилди. Тумандаги кўплаб фермерларга чавоқ етказиб бердик. Сазан, оқ Амур, Африка лаққаси каби турларни парваришладик. Режамиздан анча ортиқ — 140 тонна балиқ сотдик. Йилни 900 миллион сўм соф фойда билан якунладик.

Ҳозир сизими 300 тонна балиқ сақлайдиган музлаткичга эгамиз. Уни 56 минг доллар маблағ эвазига Туркиядан келтирдик. Бу маблағни банк кредити ҳисобидан қоплашимизда туманимиз раҳбарларининг ёрдами катта бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.


Хуллас, ишларимиз юришиб кетди. Биз ишлаётган «Ошиқ ота» маҳалласи ҳудуди кун сайин чирой очиб, одамларнинг турмуш-тарзи яхшиланиб бормоқда. Кичик корхонамизда меҳнат қилаётган 18 нафар меҳнаткаш ўз ишининг усталарига айланган.

**Абдурасул САТТОРОВ**  
ёзиб олди.

**Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертларининг фикрича, инсон соғлиғининг 20 фоизи ирсий омилларга, 20 фоизи атроф-муҳитга, 8-10 фоизи тиббий хизматга, қолган 50 фоизи эса турмуш тарзига, яъни ҳаёт кечириш даражасига боғлиқ экан. Демак, инсон саломатлиги ҳар жиҳатдан унинг ўз қўлида.**

## Саломатлигимиз ўз қўлимизда

ва у яшаётган муҳит қонуниятларидан келиб чиқиб, саломатликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлардан иборат. Унумли меҳнат қилиш, мароқли дам олиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, организмни чиққитириш, шахсий гигиенага риоя қилиш, тўғри овқатланиш, зарарли оdatлардан тийилиш, доимий равишда шифокор кўригидан ўтиб туриш тиббий маданиятни ташкил этади. Бу йўналишда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини текшириш, болалар касалликларининг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш шифокорлар эътиборида.



кўп тармоқли марказий шифохона фойлият олиб бормоқда, — дейди Чиноз тумани ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш, маънавий ва маърифий ишлар бўйича ҳоким ўринбосари Насиба Қорабоева. — Шифохоналарнинг айримлари қайтадан қурилди, мавжудлари таъмирланди, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Яллама, Пахта, Олмазор, Т.Эрназаровдаги қишлоқ оилавий поликлиникалари тез ёрдам машиналари билан таъминланди.

Тиббий маданият даражаси қанча юқори бўлса, аҳолининг касалликка чалиниш хавфи шунча камайд.

саллиқларнинг сурункали шаклга ўтиб кетмаслиги ёки ногиронликка чалинишнинг олди олинади. Шунингдек, инсонда ишчанлик қайфияти барқарор, ишда унум, барака бўлади.

### Саломатлик

— Бугун замонавий қиёфага кирган шифохонамизда барча қулайликлар мавжуд, — дейди Т.Эрназаров ҚОП шифокори Асқар Худойбердиев. — Кенг ва ёруғ хоналар тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Буларнинг барчаси аҳоли саломатлиги учун хизмат қилади.

Тиббиёт масканларида эл-юрт саломатлиги йўлида олиб борилаётган ишларнинг қўлами жуда кенг. Энг қувонарлиси, мустақиллик нашилдиси, хурлик экинидан баҳра олиб яшаётган, яратилган имкониятлардан руҳланган саломатлигимиз посбонлари ҳар қадамда замон билан ҳамнафас бўлиб, илғор тиббиёт технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда миллатимиз сиҳат-саломатлиги, соғлом ва баркамол фарзандлар бахту камоли йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келишмоқда.

**Даврон АХМАД,**  
«Жамият» муҳбири



Саломатликни асрашнинг энг муҳим шarti — тиббий маданиятни шакллантиришдир. Тиббий маданият кундалик турмушни инсон организми

— Бугунги кунда туманимизда 130 минг қатновга мўлжалланган 5 та қишлоқ врачлик пункти, 4 та қишлоқ оилавий поликлиникаси, 1 та

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги Қонунни имзолади.





**Маъруф исмли синфдошим бўларди. У орқа партада ўтирар, дўстлари ҳам кам эди. Очигини айтганда, уни устидан кулардик, мазах қилардик, хуллас, бутун мактаб уни «Маюф» деб чақирарди. Устозлар қийналмаслиги учун бўлса керак, уйга вазифаларни ахён-ахёнда сўрамаса, сўрамасди ҳисоб.**

Унинг кундалигида фақат уч ва тўрт баҳоларни учратиш мумкин эди. Беш баҳо анқонинг уруғи. Қайсидир устоз, масалан, ҳаммага бирдек ёқадиган ва унинг дари дари сифатида муҳим ўрин тутмаган расм устозимиз, Маюфнинг «жўраги қийшайган чойнак-пиёласи»га «болачали беш» қўйиб, унинг бир кунлик илжайиб юришини таъминларди, холос.

Мусика дари... буни гапирмай қўя қолай. Маюфнинг гапларига синфдошлар яхши тушунар ҳамда бутун синф унинг таржимони эдик. У дарсининг ўртасида қўл кўтарарди, устознинг кўзи тушиб қолиб, «Ҳа Маъруф нима гапинг бор?» деса, чивин гўнғиллагандек қилиб: «Шомайяб кейи» дерди. Янги устозлар бу сўзни тушунмаслиги табиий. Биз эса унинг сўзларини «таржима» қилардик: «Устоз, Маюф шамоллаб келмоқчи»...

У алғайгани сари камгап бўлди. Бирор гап сўрасак ҳам «Ҳа», «Йў»дан нарига ўтмасди. Ҳаммамизда бўлгани каби у ҳам оппоқ фартук таққан синфдош қизларнинг бирига кўнгил қўйган, у ҳам қизнинг кўзларини оҳунинг кўзларига қислаган-у, буни унинг ўзига айтилмас, фақат гоҳида илба қолганимиз, қорачадан келган бир мўғул юзли қизга энг яхши қўрайдиган уч рангли ёзгичини бериб турарди.

Бир кун эълон тахтачасида тил байрами муносабати билан ўтказиладиган иншолар мусобақасига кўзим тушди. Бу эълонни эшитган аълочиларнинг ичига чўғ тушди. Мактабда ҳамма ёзувчи, ҳамма шоирга айланди. Синф раҳбарлари даста-даста иншоларни кўтариб, ўқитувчилар хонасига йўл оларди. Унинг орқидан эргашган ўқувчилар кўм-кўк ёғоч эшикнинг ортида қолади-ю, ичкаридаги саралашни ўзича тасаввур қилиб, устозларга ҳурмати ошадди, уларнинг ўрнида бўлиб қолгиси, кимнинг иншои қандай ёзилганини билгиси келарди.

Ўқитувчиларнинг фарзандларини айтмайсизми, улар баъзида янги

гап топиб келади, масалан, «Фалончининг иншосини ўқиган ўқитувчи унинг келажакда журналист бўлишини айтганмиш». Уша кундан бошлаб фалончининг лақаби «Журналист». «Фалончи эса фақат уч нуқтадан иборат иншо ёзиб, ҳаммани кулдирибди.» Нима деб ёзганидан ҳам озгина иқтибос келтириб қўйиларди: «Мен Она тилимни отамдек яхши кўраман, уч нуқта. Отам онамга тилинг ширин бўлса, калтак емайсан дейди, уч нуқта...» Бу гаплар айтилаётганда ўша уч нуқталарнинг муаллифи ҳам бизга қўшилиб кулади. У ҳеч кимдан хафа бўлмайди, ҳатто, ичкаридаги «хуфёна» гапларни болаларга айтиб, обрў орттираётган муаллим болаларидан ҳам ранжимайди.

Эртаси кун яна янги гаплар тарқалади. Анов шоир бола борку, шалпангкулоқ, ўшанинг иншоси ўқитувчиларни бир кулдиурса, бир ўйга толдираётганмиш. У ҳатто ўзбек оилала парваришланган ингилез боласи ҳам ўзбекча гапирарди, нега шундай эканига ҳозирча ақлим етмайди-ю, лекин у ҳам она тилимни боласи экан, дебди-да, икки қатор шеърни ҳам илова қилганмиш. Шеърини айт-чи, шеърини?.. Билмайман, дейди тарих ўқитувчимизнинг эркатойи гурурланиб.

Ҳа, ҳамма иншо топширган, қўлидан келадиган ҳам, келмайдиган ҳам. Синф раҳбарлари чиқмаган жондан умид деб, иккичиларимиздан-да ажи-бужи иншоларни ёзириб олди. Иккичилар мандан нима кетди деб, она-тили дафтарининг ўртасида иккита вароғини шартта юлди-да, озгига келганини қозоғга тушириб, устознинг қистовидан қутулди.

Шунча ур-тўпалон, ёз-ёларнинг ичиди Маюфга гап таъсир қилмади. У «ёяман»дан нарига ўтмади. Лекин бирор дафтарининг орасидаги икки вароғи юлинмади. У бирор марта устознинг орқидан, фирчиллаб очиладиган эшиккача эргашиб бормасди. Балки ҳеч кимга билдирмай устозга топширгандир, озгина писмқлиги ҳам йўқ эмас Маюфнинг, деган тақдиримизда ҳам, «развет-качи»ларимиз унинг иншои ҳақида бир оғиз гап ҳам топиб келишолмади.

Уша интиқлик билан кутилган кун келди. Эрталабдан мактаб ҳовлисида

ўқувчилар ярим ой шаклида сафланишди. Олдинги қаторда бошланғич синф ўқувчилари, орқда эса овози йўғонлашиб қолган катта синфлар. Давлат маҳияси билан байроқ кўтарилди-да, директор сўзга чиқиб, бугун тил байрами эканини ҳамда иккинчи соатдан кейин байрам бўлишини эълон қилди. Сўнг одмигина кийинган, озгингина она тили ўқитувчимиз сўзга чиқди. Аёл киши бўлишига қарамай, ундан катта синф ўқувчилари ҳам ҳайқиб турарди. Унинг шاپалоғидан еган ўқувчи, худди тақдирлангандек, қандай ургани-ю, юзининг қандай довулагини ҳақидаги ҳикоясини мағрурланиб айтиб юрарди. Устозимиз голибларни эълон қилди. Уларга фахрий ёрликлар топширилди, ҳар бир

зиб кетган аёл бир туюр стол устига майда-чуйдаларни қўйиб савдо қиларди. У вақтлар ўша могор босган бир туюргина столчаси биз ўқувчилар учун жаннатнинг ўзгисини эди. Унда эллик сўмлик шоколаддан тортиб, уч юз сўмлик печенъегача бўларди.

Қўлимга икки юз сўмни гижимлаб дарвозадан отилиб чиққандим, Маюф сотувчи холага пул узатиб турган экан. Мен ҳам пулимга яраша харид қилдим-да, бирга мактабга қайтдик. У бироз юрчак, «Мен сенга бий найса кўйсатаман. Пақат ҳеччим биймасин, хўпши!» деди.

Унга розилигимни билдириб, орқидан мактаб боғи томон эргашдим, холироқ жойга боргач, у портфелидан муқовасига машхур эстрада юлдузининг расми туширилган дафтарни олди-да, ичидан букланган қоғозча чиқариб менга узатди. Тагин портфелининг бошқа чўнтагидан бир туюр нон олди, уни ҳам бўлишдик. «Энни ўқи!» деди, синовчан тикилиб.

У нон ковшади, мен унинг иншосини ичимда ўқий бошладим:

*«Мана, она тили байрами яқинлашяпти, бундан ҳаммамиз бахтиёрмиз, лекин мен бу тилни она тилим деймайман!»*

*Менинг тилим соқов, онамнинг тили равон, отамнинг ҳам. Бу уларнинг тили!»*

*Ўзбек тилини бузиб*

*талаффуз қиламан.*

*Мен фақат бу тил учун битта хизмат қилишим мумкин. Тўғри тушунинг, бошқаси қўлимдан келмайди, қўшиқ айтмасам, нотиқлик қилолмасам, тагин, ўқишга ҳам ҳавасим йўқ. Шу бос, зарчи, Она тилимиз менинг тилимга мослаб сўзлар яратмаган бўлса-да, шу ватанда туғилганим ва нон-тузини еганим учун ҳамда тилингизнинг ҳурмати учун, иложи борича жим юраман!»*

*5-А синф ўқувчиси Топвалдиев Маъруф.*

Унинг иншои қисқа эди, бироқ хусниҳати ёмонлигидан иккинчи вараққа ҳам ўтган. Ҳозир ўйласам, кейин нима бўлган, байрамга кирганмизми йўқми, уйга қачон борганмиз, у яна нималар деган, буларни эслолмайман. Бироқ бу иншо ҳар сафар тил байрами олдида ёдимга тушаверади. Уни ҳамлаш қайта-қайта ўқийман. Ва она тилимизнинг ҳурмати учун узоқ вақт ҳеч нарса эслолмайман.

**Бегали ЭШОНҚУЛОВ,**  
**«Жамият» мухбири**



## Маюфнинг иншоси

голибнинг исми айтилишидан олдин ҳаммининг юраги шувиллаб турарди. Қани эди иложи бўлса, устознинг тилига ўзининг исмини жойласа-ю, фахрий ёрлик олиш баҳонасида директорнинг қўлини ҳам бир сиқиб қўйса...

Йигилишдан сўнг ҳамма синфхоналарга тарқалди. Устоз синфга кириб келганда ҳам ўқувчилар ўртасида голибларнинг муҳокамаси бўлаётган эди. Бунда фақат Маюф иштирок этмасди, холос. Ўзининг партасида қимтинибгина ўтирарди, ёзгичларини оларди, китобларини чиқарарди, сўнг онаси бўздан йиртиб берган даструмоқчасини олиб, бурнини артиб қўярди.

Дарс ҳам пичир-пичирларга тўла бўлди. Устоз доскага қайрилди дегунча, болалар бир-бирига «Журналист шоирни доғда қолдирди, ўзи шеърлари бир тийинга қиммат уни...» дейди. Устоз бақиради: «Синфдан чиқариб юбораман Қосимов!»

Байрам тадбири бошланганда, эрталаб отамдан олган икки юз сўмни кўтариб қўчага югурдим, дарвозадан чиққанда бола боқиб қўйида озиб-тў-

## Бу кетишда рस्ताкамига шохлашмаймизми?

каби қатор газеталарда бериб борилаётган материаллар мисолида яққол кўриш мумкин. Мени «Жамият» газетасининг сўнги сонларида чоп этилган «Чирчиқ дарёси соҳили аввалги ҳолига қайталими?», «Оқсоқолларимиз нималар ҳақида уйлайди?», «Вазирга саволимиз бор!», «Жимжимдор рақамлар билан тиббиёт ривожланмайди», «Қачонгача томонбабин бўламиз?» каби туркум мақолалар ҳайратга солди. Ўйлаб қоламан, мана шунча муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилганда ташкилотлар ўзига тегишли жойларини ўрганиб чиқадими? Мақолалар ёзилган

нича қилиб кетмаяптими?

Агар газеталарда босилиб чиқётган масалалар бирин-кетин ҳал этилаверса, қанчаларан-қанча аҳолини рози қилиш мумкин! Ва журналистларимизнинг меҳнати ҳам бесапар кетмайди. «Жамият» газетасининг 2019 йил 4 октябрь сонидида эълон қилинган «Кўришамизми, «шохлашамизми?» сарлавҳали Камол Усмонов қаламига мансуб мақолада миллатимизга ёт бўлган урфга айланаётган, қадриятларимизга болта ураётган одатлардан бири экан эгитан. Унда кўришнинг менталитетимизга хос бўлмаган турлари кўпайиб

### «Жамият»ни ўқиб...

кетаётгани тилга олинган. Тан олиш керакки, буни ҳаммамиз кўряпмиз. Керак бўлса, амалда ҳам қўллаётганимиз ҳеч кимга сир эмас.

Бу иллат ҳақида мен ҳам бир нарсалар ёзиб, тахририятларга юбормоқчи эдим. Лекин Камол Усмонов масалани тўлигича баён этилди. Демокриманки, қадрият, урф-одатларимизга сингишига уринаётган бундай бемани иллатларга қарши бугун жамият курашмаса, ҳеч нарса ўзгармайди. Бу кетишда борган сари ўзлигимиз, миллатимизни йўқотиб, рस्ताкамига шохлашмаймизмикиан?!

Дилшод АЪЗАМ

**Ассалому алайкум, хурматли «Жамият» газетаси қаламкашлари, журналистлари!**

**Сўнги йилларда газеталар саҳифаларида берилаётган мақолалар савияси юксалиб, долзарблиги, адолатлиги, кенг қамровлиги билан муштарийлар кўнглидан янада чуқур ўрин ола бошлади.**

Буларни «Маҳалла», «Адолат», «XXI аср», «Ўзбекистон овози», «Жамият»



**Сурхондарё вилоятининг Кумқўрғон ва Шўрчи туманларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурлари маъқулланди.**

Мушоҳада

## Киши ўз онасидан ҳам уялади- дея тониши, уни одамларга та- ништиришдан истиҳола қилиши мумкинми? Агар орамизда шундай тоифадаги одамлар учраса уни ким деб атаган бўлардингиз? У ҳам ин- сон тоифасиданми?

Она эса ҳар доимгидек боласининг бошини меҳр билан силайди. «Қорнинг тўқми, устинг бутми», дея жонсаракланади. Биз бўлса, «Бу аёл эмас, бошқа менинг онам бўлса эди», деб орзу қиламиз. Гапимдан ҳайрон бўлаётгандирсиз? Лекин ўзбек миллати ана шундай, ўз онасига, она тилига шундай беписанд

паллада ўз асарларини туркий тилда битди. Бунга ўша замон зиёлилари эътироз билдириб, ҳатто, газал мулкининг султони форсийни тушунмаслиги, туркий тил қашшоқ эканлигини писанда қилишди. Аслида ҳам ўша даврда туркий тилимиз гўё жар ёқасида, ҳатто, сиқиб чиқариш даражасига етиб келган эди.

Дарҳақиқат тилимиз жозибалоридан фойдаланган ҳолда, хоҳлаган кўрсатув номини топса бўлар эди. Бундан ташқари, пойтахтимиз ёки бошқа шаҳар кўчаларида баннерларга ёзилган сарлавҳаларни ўқиб, она тилимизда ёзилган номларни қидираман деб бошингиз айланиб кетиши турган гап. Чунки булардан ўзбек тилида ёзилган номларни камдан-кам учратамиз.

Бир вақтлар Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўзбек тилини «Онагинам, онажоним тили бу, Бешиқданоқ сингтан жону кулоққа», деб эркалаган бўлса, Эркин Воҳидов ўша шўро замонда ҳам «Она тилим ўлмайди», дея баралла айта олган. Ёхуд машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов шерида тушида ногаҳон вафот этганини, жонсиз танаси ҳеч нарсани ҳис қилмаётган бир пайтда, она тилидан янграган бир оғиз сўз руҳига қайта жон бахш этганини ажойиб тарзда баён этган. Ўша шоирнинг яна бир асариде эса «Ўз тилидан тонган ўғлидан воз кеч-



## «Энг бой ва бахтсиз тил қайси, биласизми? Туркча»

халқ бўлиб қолдик. Ҳатто, орамизда бу тилда гапиришга ор қиладиганлар ҳам топилади. Кўча-кўйда юрганнингизда катта қилиб осиб қўйилган баннерлар, ошхона, корхоналарда нечта ўзбекча ёзувни кўрасиз? Осиё давлатларидан Хитой, Ҳиндистон, Япония, Арабистон мамлакатларида ўз тили тугул ёзувини ҳам сақлаб қололган. Хитой ёки Японияга борсангиз, камдан-кам чет эл сўзларини учратасиз. Деярли ҳамма ёқда ўз тилида ёзилган жумлалар. Ўз ҳарфлари. Кимдир айтиши мумкин, ҳа энди улар биздан кўра анча тараққий этган давлатда, керак бўлса, уларнинг тилини ўрганишинг шарт қилиб қўйилган.

Ўз тилини ҳурмат қилмаган халқ тараққиётга чиқиши мумкинми? Халқимизда «Она тилинг омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас», деган мақол бор. Аслида олдий кўринган ушбу нақд негизда қадим аждодларимиздан неча асрлардан бери шаклланиб келинаётган пурмаъно ҳикмат яширин. Она тилимизни соф ҳолда сақламас эканмиз, уни ажнабий сўзлар билан қориштириб, гализ жумалар тузсак, кимларгадир маънавий тобе бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий форсий забон анча оммалашган бир

Бироқ Навоий бобомиз бунинг аксини, яъни туркий тил нақадар бой эканини исботлади. Олимларнинг ҳисоб китобига кўра, Навоий ўз асарларида 26036 та сўздан фойдаланиб, дунёдаги энг кўп сўз ишлатган аллома сифатида танилган. Шоир асарлари орқали туркий тилнинг нақадар жозибадор тил эканини исботлади. Бундан ташқари, «Муҳокама-тул дугатайн» («Икки тил муҳокамаси») асариде форсий ва туркий тилларни солиштириш асосида туркий тилнинг нақадар сўзга бойлиги, айниқса, феъл сўз туркумининг маънодошлик хусусиятларини очиб берди. Қарийб олти аср олдин яшаган бобомиз ажнабий сўзлар уммонида чўкмаслик учун она тилимизни ўзининг маърифат номли кемаси ила қутқариб қолганди. Аммо бугунчи?

Ҳозирги кунда давлат ва нодавлат телеканалларга назар ташласак, номи соф ўзбекча бўлган кўрсатувни камдан-кам кузатамиз.

Буни кўрган бувим, «Шу чет элча кўрсатувингни қўймагин, болам. Мен барибир тушунмайман», дедилар. «Бувижон, бу чет элча кўрсатув эмас, шунчаки номи шунақа», десам, «Вой тавба, бу кўрсатувга ўзбекча ном қуриб қолибдимикан? Ахир, тилимиз сўзларга бойку. Эссиз...», деб қолдилар.

ган она» ҳақида ҳикоя қилинади.

Маърифат фидойиларидан Абдурауф Фитрат 1919 йилда ёзган «Тилимиз» номи мақоласида «Энг бой ва бахтсиз тил қайси, биласизми? Туркча», дея ўзбек тилига ишора қилган. Чунки бизнинг тил сўзга бой бўла туриб, унинг имкониятларидан фойдалана олмаймиз. Изланмаймиз. Ҳозирги кундаги баъзи ёшларнинг чет тиллардаги сўзларнинг тилимиздаги муқобилини тополмай қолаётганларини кўриб, ҳайрон қолсан киши. Ахир, хорижий тилларнинг ёпирилиб келишига, ўзимизнинг тилимиз орқали қалқон бўлмасак, сўз бойлигимиздан тўғри фойдаланмасак, онажонимизнинг тили «соқов тилга» айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Тилимизни асрашга фақат тилшунос, адабиётшунос олимлар, тил ўқитувчилари, маънавиятчилар ёки журналистларгина эмас, барча ўзбек фуқароси бирдек масъул бўлиши керак. Шундагина 33 миллиондан ортиқ тилда гаплашаётган, тарихи чуқур илдиш отган, дунё тан олган шоиру, адибларни илҳомлантирган тилимизни асраймиз, уни тоза сақлашга хизмат қиламиз.

**Лобар ХАЙРУЛЛАЕВА,**  
**«Маърифат»**  
**тарғиботчилар жамияти**  
**Матбуот хизмати ходими**

# Нега остонада ўтириб бўлмайди?

### Ёхуд бир удум тарихига назар

Халқимизда «Остонада ўтириш мумкин эмас», «Остонада кўл бериб, сўрашиб бўлмайди» қабилдаги ирим-сиримлар кўп. Бу ҳолатларни, ҳатто, исломий қадриятлар билан боғламоқчи бўлганлар ҳам учрайди. Аслида, бу удумнинг ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Исломий нуқтаи назардан бу амал хурوفот саналади. Мазкур одатдан шумланиш, унга ишониш ва амал қилиш ножоиз ҳисобланади. Унда бу одат қаердан сақланиб қолган?

### Ҳақиқат синиқлари

Болалигимда раҳматли бувимдан жуда кўп эртак эшитганман. Афсуски, уларнинг кўпларини ёзиб олмаганим учун эсимдан ҳам чиқиб кетган, баъзилари узук-юлуқ ёдимида қолган. Бир эртакда айтилишича, қадим замонда бир савлоғар бўлган экан. Унинг бир қизи ва бир ўғли бўлган экан. Тақдир тақозоси билан ўтинчининг аёли қазо қилибди ва бошқа бир аёлга уйланибди. Бу аёл ҳақиқий ялмоғиз экан. У ўғай болаларига умуман кун бермас экан. Қандай бўлмасин, шу икки гўдакни йўқотиш пайида экан.

Кунларнинг бирида савлоғар олис мамлакатларга савдо иши билан кетганида, ялмоғиз ўғай қизини иш билан узоқроққа жўнаптиди. У келгунча, қизчанинг укасини қозонга солиб қайнатибди. Ҳушларини еб битирибди. Қизча қайтиб келиб, укасидан айрилиб қолганини аёнлабди. Юм-юм йиғлабди ва укасининг суякларини тўплаб, уйининг остонасига кўмиб қўйибди. Остонада ўтириб бўлмайди, деган гап ўшандан қолган экан. Бу даҳшатли эртакнинг охири нима билан тугарди — эсимда қолмаган. Аммо шу эртакнинг ичиде остона билан боғлиқ ирим-сиримларнинг «ип учи» яширингандек.

### Остона нима дегани?

Келинг, аввал шу сўзнинг этимологияси билан танишиб кўрайлик. Бу сўз тилимизга форсийдан кирган бўлиб, эшик кесақисининг пастти қисми, бўсага маъносиде ишлатиб келинган. Кейинчалик бу сўз турли

тилларда турфа маъноларни аниглаб бошлаган. Масалан, шимода яшовчи мусулмон халқлари азиз-авлиёлар дафн қилинган қабрларни остона деб аташган. Ўзбекистон, Туркменистон, Шарқий Туркистон (Хитой) худудларида «Остона-бобо» номи билан аталган зиёратгоҳлар бор.

Қозоғистон пойтахти — Нурсултон шаҳри ҳам яқингача Остона деб аталганини биламиз. Қозоқ тилида бу сўз пойтахт, зиёратгоҳ сингари маъноларни беради. Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон вилоятида яшовчи айрим халқларда эса, остона сўзи қабристон маъносини билдиран экан.

### Зардуштийлардан қолган сўз

Тадқиқотлар бу сўзнинг замири зардуштийлик удумларига бориб тақалишини кўрсатади. Маълумки, зардуштийлар ақидасига кўра, вафот этган одамлар жасадини кўмиш, сувга чўктириш ёки оловда ёқиш таққиланган. Чунки инсон ўлганидан сўнг унинг танаси нопок бўлиб қолган. Сув, ҳаво, тупроқ ва оловни ифлослаш эса оғир гуноҳ ҳисобланган. Шу боис, ўликлар маълум муддат махсус тепалиқларга ташлаб келинган. Кузгунлар, итлар жасадларнинг этини еб битиришигандан кейин унинг фақат устухонлари қолган.

Зардуштийлар суякларни лойдан ясалган махсус идишларда сақлашган. Бу идишларни остондан деб атаган. Остондан сўзи қадимги эроний тилларда суяк сақланган идиш маъносини беради. Бугунги форс-тожик тилидаги устухон сўзи ҳам қадимги эроний тиллардан «ост» (суяк) сўзидан келиб чиққани тахмин қилинади (таққос учун: славян тилларида кость, кост, роман тилларида os, курд тилида hasti.)

### Остонами, остхона?

Бир қарашда биз учун уйнинг бир қисми, ҳатто Ватаннинг ибтидоси саналган остона ва қабристон ўртасидаги боғлиқлик йўқдек туюлади. Аммо аслида, исломийдан аввал, аждодларимиз зардуштийлик аъналарига амал қилиб юрган кезларда марҳумларнинг суяклари остондан қолган, уларнинг бўсағасига кўмилган. Суяк солинган идиш «остондан» бўлса, суяк кўмилган хонани остхона деб аташган. Кейинчалик бу сўз остонага айланиб кетган (худди турк тилидаги хастахона сўзи қисқариб ҳастане шаклини олгандек).

Шу боис, қадимда марҳумлар хонига ҳурмат нуқтаи назаридан остонада ўтириш, ётиш, сўрашиш жоиз саналмаган. Табиийки, ислом дини кенг тарқалгач, остоналарнинг «вазифаси» ҳам ўзгарди. Марҳумларни ювиб, қафанлаб дафн қилиш одат тусини олди. Аммо остона билан боғлиқ ирим-сиримлар ҳозир ҳам айрим жойларда яшаб келмоқда.

**Рустам ЖАББОРОВ**



Энди «Инвестиция визаси» эгаларига 10 йиллик яшаш гувоҳномаси берилади.



**Маълумотларга қараганда, 2019 йили дунё аҳолисининг 4 фоиздан зиёди, яъни 276,1 миллиони меҳнат муҳожирли сифатида қайд этилган. Уларнинг асосий қисми Осиё қитъасига тўғри келади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълум қилишича, бугунги кунда 2 миллион 600 мингга яқин фуқаромиз чет элларда меҳнат қиляпти. Уларнинг 83 фоизи, яъни 2 миллиондан ортиги Россияда. Аммо айрим манбаларда бу рақам 5 миллион атрофида экани қайд этилаёттир. Шу ўринда меҳнат муҳожирлари томонидан ҳар йили 5 миллиард АҚШ доллари атрофидаги маблағ Ўзбекистон банкларига кирим бўлаётганини ҳам айтиш жоиз. Бу меҳнат муҳожирларининг мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётидаги родини кўрсатади, албатта.**

Гарчи, мамлакатимизда меҳнат муҳожирларини уйга қайтариш, улар учун қўлай шароитлар яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, сўнгги таҳлиллар орқича меҳнат ресурслари бўлган давлатларда бу жараёни орта қайтариш ниҳоятда оғир кечаётганини кўрсатяпти. Бу эса иккинчи бир масалани, яъни энди хорижда меҳнат қилаётганлар, айниқса, ёшларнинг ҳақ-хуқуқларини айнан улар меҳнат қилаётган мамлакатларда таъминлаш масаласини кун тартибига қўя бошлади.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2017 йилнинг 12 июлидаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида чет эллардаги ёшларимиз билан ишлашга эътибор қаратилмаётгани кескин танқид қилинган эди. «Миллий тикланиш» демократик партияси ана шу танқиддан тегишли ҳулоса чиқариб, хорижда таҳсил олаётган ёки меҳнат қилаётган ватандошларимизга амалий ёрдам кўрсатиш учун «Ватандошга суяанчмиз» лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни амалга оширишга киришган эди.

Партия фаоллари жорий йилнинг 1-5 октябрь кунлари ана шу лойиҳа асосида Россия Федерациясининг бир қатор шаҳарларида бўлиб, вақтинча меҳнат қилаётган 400 нафарга яқин юртдошимиз билан учрашди. Бунда биринчи бўлиб Новосибирск танлангани бежиз эмас. Чунки ушбу ҳудуддаги меҳнат муҳожирларининг 47 фоиздан ортигини ватандошларимиз ташкил этади. Россиянинг 13 та ҳудудини қамраб олган вилоятда 250 мингга яқин ўзбекистонлик бор. Олий ўқув юртрларида эса 200

нафардан зиёд йигит-қизимиз таҳсил оляпти. Ана шуларни инobatга олган ҳолда, партия вакиллари сибирликлар билан ҳамкорликни маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишдан бошлади.

21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига 30 йил тўлади. Миллий ва умумбашарий қадриятларни сақлаш ва бойитишни бош гоё сифатида илгари сураётган партиянинг хорижда амалга оширилиши белгиланган лойиҳалардан бири ҳам айнан тилимиз тарғиботи билан боғлиқ бўлди. Ўзаро келишувга мувофиқ, Новосибирск

да чиққан ёки ота-онаси, ёри, фарзандлари лийдорига ошиқиб, юртга қайтаётган қанчадан-қанча йигитларимиз Россия, Қозоғистонда йўл-транспорт ҳодисаларига учраб, нобуд бўдилар. Айрим ёшлар эса билиб-билмай жиноий гуруҳлар сафига кириб қолди. Ҳатто, дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида қўпуровчилик ҳаракати содир этилса «Ўзбек эмасмиқан», деб хавотирга туша бошладик.

Бугунги янгилашлар ва ўзгаришлар асосида меҳнат муҳожирларига бўлган муносабат, айниқса, сўнгги уч йилда бу борадаги қарашлар ҳам

масалаларга қизиқиши юқори эканини кўрсатди.

— Сафар давомида меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ масалалар кўпинча кабинетларда муҳокама этилаётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик, — дейди «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Миродил Абдурахмонов. — Мавжуд муаммолар дастуридан келиб чиқиб, Сайловолди кўпчилигимизда ушбу масалага жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ишонтириб айтганимизки, бундай тадбирлар мавсумий бўлиб қолмайди. Чунки хорижда ким қандай шароитда меҳнат қилаётганини, унга қандай муносабатда бўлинаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Муҳожирлик қийинчиликларини юртдошларимизнинг ўзларидан эшитдик.

Яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги масофа яқин деганларидек, ватандошларимиз билан учрашувлардан бири яқунланмай туриб, қурилишда ишлаётган чортоқлик ватандошимиз М.Сотиболдиев бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этгани ҳақида хабар келди. Бош консулимиз ҳамроҳлигида делегация аъзолари тезда марҳумни Ўзбекистонга қайтариш чораларини кўрди. Минг шукрки, М.Сотиболдиевнинг шериги андижонлик Азизбек Султонов омон қолибди. Партия вакиллари шу куни бемор йигитнинг ҳолидан хабар олиб, шифокорлар билан унга қандай ёрдам кўрсатиш борасида учрашди...

Ишчи гуруҳи аъзолари сафарнинг тўртинчи кунда Тошкент вилоятининг Бекобод туманида тугилган, 2012-2015 йилларда Тошкент авиасозлик касб-хунар коллежида таҳсил олиб, 2016 йилнинг июнь ойида Санкт-Петербургдаги Фуқаро авиацияси институтига ўқишга кетиб, 2017 йилнинг 3 июнь куни Москва шаҳри, Голяново тумани ИИБ томонидан қўлга олинган, ҳеч қандай исбот ва далилларсиз 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган Маъруфжон Шакаров билан ҳам учрашди.

Россияда таҳсил олиб, Ўзбекистонга учувчи бўлиб қайтишни орзу қилган Маъруфжон билан кўришиш осон кечмади. Ҳатто, бир кун аввал номаълум сабабларга кўра, учрашув қолдирилгани маълум қилинди. Шундан кейин Ташқи ишлар вазирлиги Москвадаги элчихонамиз мутасаддилари ёрдамида учрашувга руҳсат олинди.

Зах ва қоронғу йўлак... Ҳар қаламда темир панжаралар шовқини эшитилаётган жанжирбанд худуд... Қайта-қайта текширувлар... Учрашувга руҳсат олган бўлсақда, партиямиз раҳбари Алишер Қодиров учрашув амалга ошириб, Маъруфжон билан кўришмагунча хотиржам бўлмадикни қайта-қайта таъкидлаб турди. Унинг сўнгги хабаридан кейин 37 дақиқа ўтиб, биз Смоленск вилояти, Сафонова шаҳарчасида жойлашган учинчи сонли жазони ижро этиш муассасасига киришга муваффақ бўлдик.

Равшан МАҲМУДОВ,  
журналист

Давоми келгуси сонда.

## Муҳожирлик алами

**Ёки Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари томонидан Россия Федерациясининг Новосибирск вилоятларига уюштирилган сафар давомида аниқланган аччиқ ҳақиқатлар хусусида**

бирск Давлат оммавий, илмий-техник кутубхонасида «Миллий тикланиш» партияси ташаббуси билан «Ўзбек тилидаги адабиётлар бўлими» очилди. Бундан мақсад, энг аввало, юртдошларимизни ватанга яқинлаштириш, узокда бўлсалар-да, ўзбек тилидаги адабиётлар билан танишишларига имкон яратиш эди.

Шунинг учун сафарнинг биринчи иш куни ана шу муҳим тадбирга бағишланди. Анжумани Ўзбекистоннинг Новосибирскдаги Бош консули Юсуф Қобулжонов очиб, ушбу тарихий тадбир Ўзбекистон ва Россия маданий-маърифий ҳаётидаги муҳим воқеа эканини, «Миллий тикланиш» демократик партияси сиёсий партиялар орасида биринчи бўлиб шундай ташаббусни илгари сурганини таъкидлади. Партия томонидан Россиянинг энг йирик кутубхоналаридан бирига 2000 донна китоб ҳадя қилиниши ҳар икки давлат фуқароларига Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги куни тўғрисида кенгроқ маълумот олиш имконини яратиши ҳам тадбирда алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Новосибирск давлат оммавий, илмий-техник кутубхонаси ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Унга кўра, томонлар ёш авлодни маънавий-ахлоқий камол топтиришда ўзаро кўмаклашиш, меҳнат мигрантлари ва талабалар орасида мутолаа маданиятини кучайтиришда ҳамкорлик қилишга келишиб олди.

Узоқ йиллар давомида дунёнинг кўплаб мамлакатларида меҳнат муҳожирларимиз борлигини инкор қилиб келдик. Ҳатто, муҳожир ватандошларимизни қораладик, уларни ишқмасликда, мамлакатимизга хиёнат қилганликда айблаб, аслида улар ўз юртида тайинли иш тополмай, рўзгор ташвишида меҳнат қилаётгани ҳақидаги ҳақиқатни тан олмадик. Ватандошларимизнинг меҳнат ҳуқуқларини қонунийлаштириш у ёқда турсин, ҳатто, келиб-кейтишлари учун шароит яратишга ҳам уриниб кўрмадик. Автовбус ва энгги машиналарда не-не умидлар билан йўл



ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хорижда вақтинча меҳнат қилаётган фуқаролар, уларнинг оила-аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилиб, муҳим ҳужжатлар имзоланди. Мигрантлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, хориждаги меҳнатини қонунийлаштириш, уларнинг келиб-кейтишлари учун хавфсиз транспорт хизматини ташкил қилиш, имтиёзли кредит ажратиш, уй-жой билан таъминлаш, пенсия таъминоти билан боғлиқ чора-тадбирлар шулар жумласидандир. Бахтсиз ҳодиса ёки оғир касалликка чалинганларга зудлик билан тиббий ва гуманитар ёрдам кўрсатиш ёхуд шошилинч Ўзбекистонга олиб келиш мақсадида махсус ишчи гуруҳи ҳам ташкил қилинди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари томонидан Новосибирск сафари давомида Хилокс савдо марказида ишлаётган ватандошларимиз билан учрашув ташкил этилди. Юртдошларимизнинг яшаш, ишлаш шароитлари ўрганилди. Мавжуд муаммолар, патентлар нархидан тортиб, маҳаллий мутасаддилар муносабатига ҳақ тўлаш этилиди. Уларга Президентимизнинг хорижда ишлаётганлар ҳаёти билан боғлиқ фармон ва қарорлари ҳақида атофлича маълумотлар берилди. Шу ўринда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодир Мухторов ва Бандлик ва меҳнат вазирлиги ҳузурлиги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг масъул ходими Азамат Матлюбов иштирокидаги очиқ мулоқотлар кўпчилик ватандошларимизнинг ушбу



Сенат томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Олий даражали «Дўстлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги қонуни маъқулланди.

# «Тушовданган» тиббиёт носоғлом муҳитга қачон барҳам берилади?


**Бирор жойимиз оғриб, озгина безовта бўлсак, дарҳол шифокорнинг маслаҳатига шошамиз. Шу боисдан халқимиз тиббиёт ходимларини, саломатлик посбонлари, дея эъзозлайди. Инсон саломатлигини асрашдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган соҳа ходимлари фаолиятида, аввало, яратилган шарт-шароит ва муҳит бевосита ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Бир неча ойлاردан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган Каттакўрғон туман тиббиёт бирлашмаси тизимидаги вазият соҳа ходимлари қатори аҳолининг ҳам ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.**

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли туманда ҳам тиббий хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланди. Марказий поликлиниканинг янги бинога кўчирилиши, бир неча бўлим биноларининг янгидан қурилиши шунга туширилиши аҳоли учун қулайликлар яратди.

Аммо сўнгги пайтларда туман тиббиёт бирлашмаси тизимида юзага келган носоғлом муҳит амалга оширилаётган барча эзгу ишларга соя солмоқда. Кейинги олти ой давомида соҳада бошқарув тизимидаги ишга қўнимсизлик, ўзбўларчилик кайфияти вазиятни янада тарагнаштирмоқда. Бирлашма фаолияти билан яқиндан танишсангиз, тизимда узвий боғлиқлик, ҳамжихатлик йўқлигига амин бўласиз. Ҳар ким ўзича иш олиб бораётганга ўхшайди. Шифохонага бирор иш билан боргудек бўлсангиз, кимга мурожаат қилишни билмайсиз. Муаммони ҳал этишдан ҳамма ўзини олиб қочади.

Юзага келган вазиятга оидинлик киритиш, соҳа истиқболига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўрганиш кўплаб муаммолар ечимини кўрсатди. Айни пайтда бирлашмага раҳбарлик қилаётган Олим Хужамбердиев томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар жамоа ўртасида тез-тез ички низоларни келтириб чиқараётгани ҳам айтиш ҳақиқат.

— Тўғриси, «еб кетди, ичиб кетди» деган гап-сўзлардан ҳамма чарчади, — дейди кўп йиллардан буён соҳада фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган (шахсини сир тутишни илтимос қилган) таниқли шифокорлардан бири. — Шифокорлари давлат пулини ўзлаштириб юборибди, деган миш-мишлар жонимизга тегди. Ўз ишимиз қолиб, олти ойдан ошпапти ҳамки, О.Хужамбердиевнинг йўл қўйган хатолари сабаб ҳали тергов идораларига, ҳали судга қатнаймиз. Ахир, инсоннинг асаби темирдан эмас-ку! Буёқда беморларни даволайликми ёки раҳбар томонидан содир этилган қонунбузилишларга изоҳ берайликми?! Албатта, ҳар ким ўз қилмиши учун жавоб беради. Аммо тиббиёт ривожига «тушов» бўлаётган муаммоларга ечим топиш на соғлиқни сақлаш бошқармаси, на вазирликни ташвишга солаётгани кишини таажубга солади.



Эшитишимизча, туман ҳокимлигидаги мутасаддилар юзага келган вазиятни бартараф этиш юзасидан бир неча маротаба вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилган. Афсуски, натижа йўқ. Энди ўйлаб кўринг, шу кайфият билан сиздан шифо излаб келган беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиб бўладими?!

Аксарият ходимлар тизимда юзага келган носоғлом вазиятдан норизо. Бунга ҳолис баҳо берадиган, керак бўлганда зарур чора-тадбирлар кўрадиган Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса томошабин!

Самарқанд вилоят прокуратурасининг туман тиббиёт бирлашмаси фаолиятини ўрганиш жараёнида аниқланган қонунбузилишлар бўйича 25 август 2019 йилда соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбариятига киритган тақдимномасига асосланган бўлсак, бу гапда ҳам жон борга ўхшайди. Чунки тақдимномада туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори О.Хужамбердиев томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда гаразғўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, ўзлаштириш ёки растарата йўли билан давлат бюджети маблағлари талон-торож қилингани айтилади. Жумладан, туман тиббиёт бирлашмасини моддий рағбатлантириш комиссиясининг қарори билан 2018 йил давомида 187 нафар тиббиёт ходимларига 194 ҳолатда жами 104 миллион 502 минг сўм маблағни асоссиз равишда ходимларнинг пла-

стик карточкаларига ўтказиб, бюджет маблағлари талон-торожига йўл қўйган. Бундан ташқари, аҳолига кўрсатиладиган сервис хизматлари таркибида беморларга гигиена воситалари ва кийим-кечаклар харид қилиб, сотиш кўрсатилмаган бўлса-да, пуллик хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобидан 58 миллион 280,2 минг сўм маблағ гигиена воситалари ва кийим-кечаклар хариди учун мақсадсиз харажат қилиниб, бу товарлар нархининг устига 0,9 фоиз устама билан беморларга мажбурий сотилган. Вилоят прокуратураси томонидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига киритилган тақдимномада бунга ўхшаш мисолларни кўплаб учратишимиз мумкин. Лекин афсуски, соғлиқни сақлаш бошқармаси ёки вазирлик бу борада нима чора-тадбирлар кўргани бизга қоронгу. Ўрганиш натижаларидан маълум бўлишича, охириги сўзни тергов материалларини синчиклаб ўрганаётган суд якуний сўзни айтмагунча, аҳвол ўнглашни даргумон.

Барча тиббиёт муассасалари қатори бу ерга ҳам давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган давлат

«**Қабулга келган ҳар бир беъмор, албатта, кўриқдан ўтгани учун маълум миқдорда тўлов қилиши шарт. Унинг миқдорини эса шифокор ёки ёрдамчиси белгилайди. Мижозлардан олинаётган нақд пул учун эса ҳеч бир шифокор тўлов паттаси ёзиб беришни хаёлига ҳам келтирмайди. Кун давомида йиғилган бу пуллар ҳеч қаерга топширилмай, шу жойнинг ўзида бўлиб олиниб, ўзлаштириб юборилади-ми ёки ... бунисини билмадик.**

бюджети параметрларида дори-дармон, реактивлар, диагностика, боғлов материаллари харажатларига ҳар йили миллионлаб маблағ ажратилади. Қолаверса, бу маблағ миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Лекин бутунги кунда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли исталган даволаш муассасасига мурожаат қилсангиз, бўлим шифокорлари ҳеч иккиланмай, сизнинг қўлингизга оддий момиқ пахта-ю, шприцдан тортиб, бутун даволаш муддати давомида керак бўладиган турли дори-дармонлар номи ёзилган каттагина рўйхатни тутқазади

ва уларни олиб келсангиз муолажани бошлашини айтади. Шифокорлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга-ку алоҳида «ҳақ» тўлайсиз, албатта. Шунда шифохонанинг у ер, бу ерида «шифохонада кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг барчаси бепул», деган ёзувларни кўриб, булар нега осиб қўйилибди, дея хайрон бўласиз.

Қабулга келган ҳар бир бемор, албатта, кўриқдан ўтгани учун маълум миқдорда тўлов қилиши шарт. Унинг миқдорини эса шифокор ёки ёрдамчиси белгилайди. Мижозлардан олинаётган нақд пул учун эса ҳеч бир шифокор тўлов паттаси ёзиб беришни хаёлига ҳам келтирмайди. Кун давомида йиғилган бу пуллар ҳеч қаерга топширилмай, шу жойнинг ўзида бўлиб олиниб, ўзлаштириб юборилади-ми ёки ... бунисини билмадик.

Оддий қоғозга ёзилган 3-4 қатор битта қичкина маълумотноманинг нархи қанчалигини биласизми? Бошқа жойни билмадим-у, лекин бундай маълумотнома туман тиббиёт бирлашмаси туғуруқ бўлимида нақд 5 минг сўм турди. Туғилганлик гувоҳномаси олиш учун фарзанд туғилганлиги қайд этилган икки қатор маълумотномани туғуруқ бўлими ходимлари шу нархда «сотишади». Қани айтган пулини бермай кўринг-чи! Биз қоғозни сотиб оляпмиз компьютерда ёзиш учун вақт сарфляпмиз, деб гапто кўтаришади.

Мени нега туман Марказий шифохонаси ёнидаги дорихоналар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда, деган савол қийнаб келарди. Шифохонанинг ёнгинасидаги дорихоналарда бўлиб, бунинг сабабини тушуналмай бўлдим. Деярли ўнга яқин дорихонага чумолидай кириб чиқаётган одамларни кузата туриб, уларнинг ҳар бири бир кучоқ дори-дармон харид қилиб, шифохона томон шошаётганини кўрасиз. Қараб турсангиз, кечаю кундуз уларнинг кети узилмайди. Назаримда, туман марказий шифохонасидаги мутасаддилар учун бу аллақачон оддий ҳолга айланганга ўхшайди.

Марказий шифохонага ишингиз тушиб қолгудек бўлса, ичкаридагилар-ку майли, лекин бу ерга кираверишдан тортиб, то чиқиб кетгунингизга қадар йўлингизда ўнлаб тиланчиларни учратишингиз мумкин. Чамаси, бу тиланчилар шифохонани мутлақ ўзиники қилиб олган. Чунки ҳеч ким уларнинг «мушугини пишт демайди.

Натижада, кир-чир кийиниб, бола кўтариб олган бу тиланчилар бемалол шифохона ва поликлиника бинолари ичкарасида сайр қилиб, пул йиғиб юришади.

Айтaversак, тиббиёт бирлашмаси фаолияти тўғрисидаги турлича фикрларимиз тугамайдиганга ўхшайди. Нима бўлганда ҳам бугун тизимда тартиб ўрнатилган вақти келган. Бунинг учун суд қарорини кутиб ўтириш адолатдан бўлмайди.

Шухрат ҚАРШИЕВ,  
«Жамият» мухбири

ПОЛҚА

Рахмонова Мухтабар Каюмовнага 2017 йил 31 июлда «Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси томонидан берилган кадастр ҳужжати йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисида низом тасдиқланди.



# «Онанинг ёлғонлари»

**Дунёда ёлғончи она-лар борлигига ишонасизми? Кўриб, билиб туриб, ёлғон гапирадиганларигачи? Йўқ дейишга шошилманг. Деярли ҳаммамизнинг онамизда бу одат бор ва ҳар доим такрорланаверади. Лекин энг қизиғи, буларнинг барчаси беғараз, фарзандининг атрофдагиларни қувончу шодлиги учунгина ишлатиладиган ёлғонлардир.**

Оналарнинг ёлғонлари кўп. Улар таҳминан мана бу ҳолатда бўлади:  
— Болам, овқатни сен егин. Менинг қорним тўқ. Оч қолсам, кейинроқ овқатланарман (уйда ёйишга ҳеч вақо

қолмаса ҳам);

— Қанча пул керак? Ҳаммасини олавер. Ҳозирча менда унга эҳтиёж йўқ (кунни кун, тунни тун демай, оғир меҳнатда қийналиб топган бўлса ҳам);

— Мана бу ёпинчиқни сен ол. Менга унча-мунча совуқ таъсир қилмайди (ўзи шамоллаб, йўталиб, қалтираб ўтирган бўлса ҳам);

— Юр, сенга янги кийим олиб бераман. Боламини бошқалардан нима кам жойи бор (ўзининг кийимлари эскириб, ён-атрофдагилар ҳар кўрганда мазах қилса ҳам)?!

— Мен касал эмасман. Дори ҳам шартмас. Яхшиси, бу пулларга китоб ол. Ахир, «катта» одам бўлишинг керак (шифокор керакли дориларни ичмасангиз, оқибати ёмон бўлади деган бўлса ҳам);

— Болам, сен кириб ухла. Мен чарчамадим (кун бўйи меҳнатдан боши чиқмаса ҳам);

— Мана бу ширинликларни, ана у идишдаги гўштни сен егин. Мен унча ёқтирмайман (ўзи бир бурда нон билан бир пиёла сув ичиб ўтирса ҳам);

— Сен яхши ўқи, қанча пул керак бўлса сўра. Бизда қийинчилик йўқ (ҳар кунни қора терга ботиб, ер чопиб, тандирда нон ёпиб, тиним билмай ишласа ҳам);

— Ўғлим (қизим), мен тинчман, соппа-согман. Йўл узоқ. Овора бўлиб келиб ўтирманглар (ҳар кунни суратимизга термулиб, соғиниб йиғласа ҳам);

Умрининг сўнггида эса:  
— Мен сендан розиман болам! (умр

бўйи фарзандини кутиб, кўзлари йўллари-га интизор бўлиб, ақалли битта ширин сўз эшитолмай ёруғ оламни тарк этса ҳам).

Дарҳақиқат, оналарнинг меҳрини, битта фарзандни воёга етказунига қадар чекадиган машаққатларини сўз билан ифодалаш мушкул. Дунёда онанинг ҳурмати ўз жойига қўйиб, қадрлайдиган фарзандлар жуда кўп. Қадрига етмайдиганлари ҳам.

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир савол-жавобга кўзим тушиб қолди. Унда куйидагича сўров ўтказилган:

— Севганингизнинг ёқтирган ранги қандай?

— Қизил (яшил сариқ ва ҳ.к).

— Онангизниқичи?

— Оқ бўлса керак.

— Севганингизнинг оёқ ўлчами?

— 37 (38,39 ва ҳ.к).

— Онангизниқичи?

— Билмайман...

— Севганингиз қандай таомларни ёқтиради?

— Ширинликлар.

— Онангизчи?

— Билмасам...

— Севганингиз билан неча кунда суҳбатлашасиз?

— Ҳар кун.

— Онангиз биланчи?

— Онам доим уйда бўлса, нима деб суҳбатлашаман? Кейин вақтим бўлмайди.

— Севганингизга байрамда нима совға қиласиз?

— Гўлдаста, ширинликлар, атир, либос ва ҳ.к.

— Онангизгачи?

— Рўмол харид қиларман...

Минг афсуки, орамизда шундай инсонлар ҳам учраб туради.

18 октябрь		19 октябрь		20 октябрь		21 октябрь		22 октябрь		23 октябрь		24 октябрь	
☀️	+23°C	☀️	+25°C	☀️	+25°C	☀️	+23°C	☀️	+21°C	☀️	+21°C	☀️	+21°C
🌙	+8°C	🌙	+11°C	🌙	+8°C	🌙	+8°C	🌙	+7°C	🌙	+7°C	🌙	+7°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

**ЖАМИЯТ**

**Муассислар:**  
Фуқаролик жамияти шакллани-шини мониторинг қилиш мустақил институти.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бош-каруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Эколо-гия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

**Бош муҳаррир**  
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ**

**Тахрир ҳайъати:**  
Рустам Комилов  
Рустам Қосимов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Шавкат Жавлонов

Газета тахририятнинг компью-тер бўлимида саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа ак-циядорлик компанияси босмахо-насида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1014 Ада-ди: 1402.  
Жума кунни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ, Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олин-ган.  
**ISSN 2010-7722**

**Навбатчи:** Бахринисо Мадумарова

**Дизайнер:** Беғали Эшонкулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуот-чилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55  
Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта: jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълум-отларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
ЎЗА якуни:  
Топширилган вақти: 19:45  
1 2 3 4 6



— **Ўйнаймиз, албатта, ўйнаймиз, ўғлим. Фақат ҳозир эмас, ишларимни битирай, хотиржам бирор жойга бориб, яйраб тўп тепамиз.**

## Сизга ўхшашни хоҳлайман, деддажон!

**Ф**арзандим дунёга келди. Бу хабарни «Самолётга улгура олармиканман?» деган хавотирли хаёл билан банд пайтимда эшитдим...

Мен ҳали у, ҳали бу жойларда сафарда эканман, юришни ўрганди, гапир-ришни ҳам... Бироз қатта бўлгач, «Сизга ўхшашни хоҳлайман, дадажон. Катта бўлганимда худди сиздек бўламан», деган гапини эшитиб, бошим осмонга етарди.

Кун бўйи ишхонамга неча марталаб телефон қилар, «Қачон келасиз? Эрта-роқ қайтинг!», деб такрорларди.

— Хўп, ўғлим, хўп, иложи борица эрта-роқ бораман, кейин бирга ўйнаймиз...

Шу тарзда йиллар ўтди. Ўғлим ўн ёшга кирди. Туғилган кунига копток совға қилдим. Жудаям суюнди. Бўй-нимдан кучоқлаб, раҳмат айтди. Кейин шудай деди қувноқ овозда:

— Дада, бирга ўйнаймизми?

— Ўйнаймиз, албатта, ўйнаймиз, ўғ-лим. Фақат ҳозир эмас, ишларимни би-тирай, хотиржам бирор жойга бо-риб, яйраб тўп те-памиз.

— Ростан обо-расиз-а? — сўради севишиб. Кейин кўшиб қўйди: — Катта бўлсам, сиз-га ўхшайман!

Ўғлим олдин мактабни, ке-йин университет-ни яхши баҳоларга тугатди. Дипломи-ни олган кунни кучоқлаб табриқладим: «Сен билан фахрланаман», дедим кў-зимга ёш тўлиб. Ўша кунни у билан гап-лашгим келди. «Бугун бир суҳбатлашиб ўтирамизми?» дедим.

« **Шу тарзда йиллар ўтди. Ўғлим ўн ёшга кирди. Туғилган кунига копток совға қилдим. Жудаям суюнди. Бўй-нимдан кучоқлаб, раҳмат айтди. Кейин шудай деди қувноқ овозда: — Дада, бирга ўйнаймизми?** »

— Зўр бўларди, дада. Қанча йиллардан бери холи ўтириб гаплашмадик. Лекин дада, хафа бўлманг, бутун ўртоқларимга сўз берганман-да...

Кейин нафақага чиқдим. Нафақадаги одамда энг кўп нарса бўш вақт. Зерикка-нимда узоқ шаҳарда ишлаётган ўғлимга

телефон қилардим, унинг эса гаплашишга камдан-кам фурсати бўларди. Доим бир жойга шошилиб турарди. «Вақт топ-шим билан бораман, дадажон. Ўзимам соғиндим. Ишларни кўрмайсизми, кундан-кунга кўпайса кўпаяптики, асло кам-маймайди. Балки келаси ҳаф-тага имкон топарман...»

Аммо ўғлимнинг «келаси ҳафта»си ҳеч келмади. Бир сафарги шундай суҳбатдан кейин битта ҳақиқатни англадим. Ўғлим мақсадига етибди. Доим менга ўхшашни орзу қиларди. Улғайиб, худди менинг ўзим бўлибди...

**Ижтимоий тармоқлардан олинди.**

Вазирлар Маҳкамасининг «Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарори қабул қилинди.

